

323

М-41

323

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
 ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
 ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ЖАҲОНГИР МЕЛИҚҰЗИЕВ

## ҲАЛОКАТ ТУЗОҒИ

*Тұлдирілған, қайта ишиланған нашири*

2033428

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet

П. 2758

Axborot Resurs Markazi

«Тошкент ислом университети»

нашириёт-матбаа бирлашмаси

Тошкент-2013

УДК:323

Мелиқұзинев, Жаҳонгир

Халокат тузоги (сохта салафийларнинг кирдикорлари) / Масъул мұхаррирлар А.Очилдиев, З.Исломов. – Тошкент: «Тошкент ислом университеті» наширет-матбаа бирлашмаси, 2013. – 32 б.

**Масъул мұхаррирлар:**

А.Очилдиев,  
фалсафа ғанлари доктори, профессор

З.Исломов,  
филология ғанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

Абдулазиз Мансур, исломшунос олим  
А.Абдуллаев, тарих ғанлари номзоди, доцент

Рисоладамиллий маънавиятимизга, мустақиллигимизга барқарорлигимизга яқыл таҳдид сифатида намоён бұлаётган сохта салафийлик мағкураси ва унга асосланған ҳаракатнинг гайриисломий ҳамда экстремистик моҳияти очиб берилған. Хусусан, унда «салафийлик» түшунчасининг мазмун-моҳияти, сохта салафийлікнинг тарихий босқычлари, унинг гоявий-ақидавий асослари ҳақида маълумотлар көлтирилған. Шунингдек, «салаф солиҳларга эргашиш» шиорини ниқоб қылған сохта салафийлар томонидан гаралы мақсадларда фойдаланылған айрим түшунчаларнинг ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридия таълимотидаги мазмұни ёритилған.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриданғы Дин шилари бўйича қўймиттанинг 2013 йил 11 январь № 79-сонли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-04-1

© «Тошкент ислом университеті»  
наширет-матбаа бирлашмаси, 2013  
© Ж.МЕЛИҚҰЗИЕВ

## КИРИШ

Ағсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қиувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кепиган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганилигини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Ислом Каримов

Асрлар давомида ислом дини миллый маданият, қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, ривожланишининг муҳим омили бўлиб келган, маънавиятнинг юксалишига хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам ислом дини инсон камолоти ва жамият тараққиётiga кучли таъсир ўтказиш қурратини намоён этиб келмоқда.

Шундай бўлса-да, исломдан гаразли мақсадларда фойдаланиш, дин билан ниқобланган экстремистик гояларни тарғиб қилиш ва террорчилик амалиётларини содир этиш давом этаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Шу боисдан, бундай ҳодисаларнинг моҳияти, пайдо бўлиш ҳамда тарқалиш сабабларини чуқур ўрганиш, бугунги кунда ҳам ҳаётий-амалий аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил хуруж ва ҳамлалардан, тұхмат ва бұхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-үсіб келаётган ёш авлодимизга тұғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу гояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда».

Шундан келиб чиқиб, рисолада соxта салафийлик мағкурасининг юзага келиши, унинг ривожланиш босқичлари, гайриисломий ва экстремистик моҳияти очиб берилган.

Ислом байроби остида фаолият кўрсатаётган турли экстремистик ташкилотлар томонидан тарқатилаётган бузгунчи гоялар ўзаро алоқадорликда таҳмил қилинадиган бўлса, уларни бир-

бирига боғлаб турувчи күрінмас «занжир» мавжудлігіни аңглаш мүмкін. Үрганиш мазкур «занжир» вазифасын сохта салафийлик фоялари үйнаётганини күрсатмоқда. Шу нұқтаи назардан қараганда, табиғир жоиз бұлса, ушбуғоя ва мағкураны «залолат занжири» деб аташ мүмкін.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида шундай дейилади: «Динда ҳаддан ташқары ғулувға<sup>1</sup> кетманлар. Чунки сизлардан аввал үтган қавмлар динда ғулувға кетгандары сабаблы ҳалок бұлғанлар».

Шундай бұлса-да, замонавий воқелик ҳам диний масалаларда ҳаддан ошиш давом этаётганини күрсатади. Хусусан, сохта салафийларнинг исломнинг айрим масалалари, жумладан, Қуръони карим ояллари ва ҳадиси шарифларни үзларича тағсир ва талқин этишләри, мазҳабларни тан олмаслайлари бундай ҳаддан ошишнинг ёрқин намунаси бұла олади. Ислом динидеги гоялар ва муқаддас тушунчаларнинг маълум тоифалар томонидан үз мақсадлари йўлида нотўғри ва ғаразли талқин қилиниши дин соҳасида етарлича илми бўлмаган кишилар, айниқса, ёшларни үз «тузогига» илнитирмоқда. Бу эса турли ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Тақдим этилаётган мазкур рисоланинг дастлабки нашри Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан молиялаштирилган фундаментал илмий лойиҳа доирасида яратилиб, 2010 йилда чоп этилган эди. Реал воқелик турли ишқоблар остида кириб келаётган маънавий тажовузларнинг олдини олишни кучайтириш, жаҳолатга қарши маърифат билан янада кучли баҳста киришиш зарурлигини күрсатмоқда. Диний мутаассибликнинг жамият тараққиётига таҳди迪, хусусан, сохта салафийликнинг ғаразлиғоя ва мақсадларини янада кенгрок, аниқ далиллар асосида күрсатиб беришга эҳтиёж мавжудлігини инобатга олиб, рисоланинг тўлдирилган ва қайта ишланган ушбу иккинчи нашри тайёрланди.

Шу нұқтаи назардан қараганда, рисолада келтирилган материаллар, баён этилган фикр-мулоҳазалар китобхонларимизга диний экстремизмнинг гоявий ва тарихий илдизлари ҳамда вайронкор мөхиятини янада теранрок аңглашга ёрдам беради, деб умид қиласиз.

<sup>1</sup> Ғулув – динда ҳаддан ошиш, чуқур кетиш.

## СОХТА САЛАФИЙЛИК МАФКУРАСИННИГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

XX аср ниҳояси ва XXI аср ибтидоси оламшумул ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, кишилик жамияти тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган, глобал хавфсизликка таҳдид тутдираётган диний-сиёсий ҳаракатларнинг «жонланиши» билан ҳарактерланишини ҳам афсус билан қайд этиш лозим. Экстремистик гояларнинг диний мўътадиллик ва бағрикенглик анъаналари устувор бўлиб келган, маърифий ислом ривожига буюк ҳисса қўшган Марказий Осиё минтақасига кириб келгани ҳамда ёш мустақил давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига жиҳдий таҳдид сола бошлагани ҳам, бундай ҳаракатларнинг кўлами ва қамрови кенгайиб бораётганини тасаввур қилиш имконини беради. Жумладан, бугунги кунда минтақамиз ҳудудида салафийлик ниҳоби остида фаолият олиб боришга интилаётган ўндан ортиқ диний-экстремистик ҳаракатларнинг мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

«Салафийлик» тушунчаси араб тилидаги «салаф» сўзидан олинган. «Салаф» сўзи эса «аввал яшаб ўтганлар», «аждодлар» маъноларини англатади. Ҳадисларга кўра, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) замонида ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар «салаф солиҳ», яъни «солиҳ аждодлар» ҳисобланади. Шунга кўра, улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан «салаф» ёки «салафий» тушунчаларини ишлатиш мумкин эмас.

Қайд этиш жоизки, тарихда яшаб ўтган ислом уламоларининг асарларида «салаф, салафий» каби сўзлар кўп учрайди. Аммо, уларда алоҳида ажralиб чиққан «салафийлик» ҳаракати эмас, балки ислом тарихининг дастлабки уч асрида, яъни 7–9 асрларда яшаган мусулмонар назарда тутилган.

Сўнгги вақтларда «салаф солиҳларга эргашиш» шиори остида «салафийлик» мафкурасини байроқ қилиб олган, ўзларини гүёки «салафларнинг издошларимиз» деб ҳисоблайдиган мутаассиб, сохта салафийлар пайдо бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда сохта салафийларни умумлаштириб, икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, давлат бошқарувида шариатнинг устуворлигига эришиш йўлида жанг-жадаллар билан ҳаракат қиласидиган «радикал» салафийлар. Бу тоифадаги сохта

салафийлар «жіхад» гояснинг мазмунини бузиб талқин қилиб, унга жангарилик, құпорувчилік тусини бермоқдалар. Үлар нағақат бошқа дин вакиллари, балки мусулмонларга қарши зұравонлик, құпорувчилік ҳамда босқынчилік хатти-ҳаракатларини асослаш үшін «жіхад» түшүнчесиден фойдаланмоқдалар.

Иккінчиси, ұзларини гүёекі давлатдаги мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунадиган ва уларга қарши чиқмайдиган қилиб кўрсатадиган, бироқ жангарилик фаолияти билан шуғулланмайдиган, гүёекі «мўътадил» салафийлар ҳисобланади. Үлар ұзларининг мутаассиб фикрларидан қайтмаган ҳолда, муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайдилар.

Мутаассиблик кўринишларидан бўлган соxта салафийлик шаклланишининг тарихий илдизлари аслида илк ислом давридаги ижтимоий-маънавий мұхит билан бөглиқ. Чунки ислом дини Арабистон ярим ороли чегараларидан чиқиб, турли дин, маданият ва фалсафий қарашлар ҳамда янги вазиятга рўбару келган. Исломнинг моҳияти, унинг муқаддас манбаларидағи гоялар тегишли тушунтиришларни талаб эта бошлади. Бу ислом тафаккури доирасида янги илмларнинг пайдо бўлиши баробарида бир-бирига қарама-қарши бўлган қарашлар ва уларни химоя қилувчи оқимларнинг шаклланишига олиб келди. Хусусан, VIII аср охири ва IX аср бошларида «Қуръоннинг яратилғанлиги» ҳақидаги гояни байроқ қилиб олган мұғазила оқими тарих саҳнига чиқди. Бундай фикрларга қарши кескин кураш, үз навбатида «салаф солиҳ»лар анъанаcига қайтиш ҳақидаги гояларнинг күн тартибига кўйилишига олиб келди ҳамда соxта салафийлик ҳаракати шаклланишига замин яратди. Бироқ ҳали бу даврда ушбу ҳаракат мустаҳкам назарий асосга эга эмас эди.

Соxта салафийликнинг зарур ақидавий, ҳуқуқий ва фалсафий асосларга эга бўлиши сурялилк Ибн Таймия (1263–1328) фаолияти билан бөглиқ. Умри давомида үзининг агрессив қарашлари туфайли тўрт марта (1307, 1309, 1322 ва 1326 йилларда) қамоқ жазосига тортилган ва 1328 йилда қамоқхонада вафот этган ушбу шахс ҳаракатнинг назарий асосларини белгилаб берганини барча мутахассислар эътироф этадилар.

Ибн Таймия, гүёекі асрлар давомида исломга турли бидъатлар кириб қолганини иддао қилиб, жамият ва мусулмонларнинг

кундалик турмуш тарзи унинг талқинидаги Қуръон ва суннага асосланган ҳолда қатъий тартибга солиниши зарурлиги ҳақидағи ғояни илгари сурди. Унинг «давлатни шариат асосида бошқармаётган ҳукмдорға жиҳод эълон қилиш мүмкін» лиги ҳақидағи қарашлари, бу борада эълон қилған «фатво»<sup>2</sup>лари ислом ғоялари билан ниқобланған радикал сиёсий ғояларнинг шаклланишига замин яратди. Ибн Таймиянинг Пайғамбар (с.а.в.), саҳоба ва авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиш ҳамда тавхид, Аллоҳнинг макони, такfir ва бошқа ақидавий масалаларда ашъарийлик ва мотуридийликка зид фикрлари ўша давр мусулмон уламоларининг кескин норозилигига учраб, күплаб раддиялар битилди, кескин кураш олиб борилди. Шундай бұлса-да, бундай ғоялар кейинчалик турлы мутаассиб гурұх ва ҳаракатлар етакчилари мағқурасига асос бұлғын хизмат қилди. Жумладан, XVIII асрда ҳар қандай янгиликни инкор етадиган, тасаввуғни асло тан өлмайдиган, тавассуғ (восита орқали Аллоҳга мурожаат қилиш)ни куфр, деб ҳисоблайдиган, ўзларига әргашмаганларни «коғир» деб эълон қилған ҳамда тарихий адабиётларда «ад-даъватуд дамавия», яни «қонли даъват» номини олган ҳаракатлар пайдо бұлди. Уларнинг фаолияти натижасида «Пайғамбаримиз шафоатидан ҳеч қандай фойда йўқ» деган ғоялар тарқалиб, салавотлар баён қилинған китоблар ёқиб юборилди, мұқаддас зиёратгоҳдар вайрон қилинди.

*Сохта салафийлик ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўз олдига халифаликка асосланған ислом давлатини барпо этиши вазифасини қўйған «ислоҳотчилик», «панисломизм» никоби остида янгидан жонланди. «Ислоҳотчи салафий»лар номини олган бундай мағкура тарғиботчилари ҳисобланған Жамолиддин ал-Ағғоний (1839–1897), Мұхаммад Абдуҳ (1849–1905) ва Абдураҳмон ал-Кавакибий (1854–1902)лар томонидан «мусулмон халқарининг диний-сиёсий иттифоқи» ғояси ишлаб чиқылди. Улар бу ғоя остида анъанавий мазҳаблардан воз кечиш ва исломнинг илк даврига қайтишга даъват қилдилар.*

Ибн Таймия ва унинг издошлары ақида ва ибодат масалаларига күпроқ эътибор қаратишган бұлса, сохта салафийликнинг ундан кейинги издошлари сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш

<sup>2</sup> Фатво – ҳукм чиқариш.

зарурлигини байроқ қилиб күттардилар. Бу исломнинг сиёсийлашуви кучайишига ва «ислом халифалигини тиклаш» гояларининг кенг ёйилишига олиб келди.

Маълумки, «аҳли сұнна вал жамоа» эътиқодига кўра, ислом арконлари бешта: имон, намоз, рӯза, закот ва ҳаж. Сохта салафийликда эса, «жиҳод – олтинчи аркон ва ҳозирда жиҳод қилиш ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди», деган гоя илгари суриласди.

Жиҳоднинг аввало ва асосан қуролли кураш сифатида талқин қилиниши диний экстремизм ва терроризмнинг янгича шакл ва мазмун касб этишига олиб келди. Бу, ўз навбатида «ал-Жиҳад ал-исламий» («Ислом жиҳоди»), «Шабаб Мұхаммад» («Мұхаммад ёшлари»), «ат-Такfir вал-ҳижра» («Кофирилкда айблаш ва ҳижрат қилиш») каби ўта радикал экстремистик диний-сиёсий ташкилот ва оқимларнинг вужудга келишига йўл очиб берди. Саид Кутб, Абдусалом Фараж, Айман аз-Завоҳирий каби радикал назариётчи ва мағкурачилар эса асосий эътиборни террор услубига қаратган ҳолда қуролли жиҳоднинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқди.

Замонавий воқеалик террор ёки давлат түнтарииши йўли билан ҳокимиятни қўлга олиш сохта салафийлар томонидан асосий йўл сифатида танланганини кўрсатади. 1979 йилнинг ноябринда Арабистон ярим оролида Жуҳайман ал-Утайбий ва унинг тарафдорлари Маккадаги «Масжид ал-Ҳарам»га ҳужум уюштириди. Улар томонидан масжидни эгаллаш, умумхалқ қўзголонини кўтариш ҳамда дастлаб Арабистон ярим оролида, сўнг бошқа минтақаларда «ислом давлатини қуриш» режалаштирилган эди. Ушбу ҳаракатни бостирища, расмий маълумотларга кўра, террорчилардан 117 киши ўлдирилиб, 143 киши ҳибсга олинди, ҳукумат кучларидан эса 127 киши ҳалок бўлиб, 451 киши яраланди.

Ушбу воқеалардан сўнг сохта салафийлик гоялари ва унга асосланган ҳаракатлар мазкур ҳудудда тазиқ остига олинди ва ўз навбатида, араб дунёси чегарасидан чиқиб, бошқа минтақаларга тарқалди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида бошланган афғон можаросида диний омилдан фойдаланилиши натижасида ушбу гоялар айрим экстремистик оқимлар томонидан «жиҳод» гоясининг ўта радикал мазмунда талқин этилишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, Афғонистонда сохта салафийликда жиҳодчилик

қарашларининг кучайишига асосий замин яратди. «Толибон», «ал-Қоида» каби ҳаракатлар ушбу давлат ҳудудини жиҳодчилар тайёрланадиган ҳарбий лагер ва плацдармга айлантириди.

Ҳозирда сохта салафийлик гоялари остида асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Кавказ ва Марказий Осиёning айрим ҳудудларида фаолият олиб борадиган ҳаракатлар жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал таҳдидга айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

## СОХТА САЛАФИЙЛИКНИНГ ГОЯВИЙ-АҚИДАВИЙ АСОСЛАРИ

Қандай шаклда чиқмасин ва қандай гоя остида ҳаракат қиласин сохта салафийликнинг бузғунчи мөҳияти ўзгармай қолмоқда. Буни унинг ислом асослари бузылашига олиб борадиган:

- Куръон ояларини сўзма-сўз талқин қилиш, ояларнинг мажозий маъноси борлигини рад этиш;
- тавҳиднинг яхлит, бўлинмаслигини инкор этиш;
- мавлудни нишонлаш ва Расулуллоҳнинг шафоатидан умидвор бўлишни инкор этиш;
- ўзларига эргашмаган мусулмонларни кофирликда айблаш;
- жиҳодни исломнинг олтинчи аркони, деб эълон қилишдек гоялар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, ҳар қандай янгиликнинг «бидъат» ҳисобланишида, анъянавий мазҳабларнинг инкор қилинишида, тасаввупнинг умуман тан олинмаслигида ҳамда қабристонларни зиёрат қилиш мумкин эмас, деб эътироф этилишида ҳам сохта салафийликнинг бузғунчи табиати ёрқин намоён бўлади.

Сохта салафийлик Куръон оялари мазмунини тушунишида «аҳли сунна вал жамоа»дан кескин фарқ қиласи. Улар Аллоҳни инсонга ўхшатишади ва гўёки, Аллоҳнинг юзи ва қўли бор, деб тушунишади.

Ислом динининг муқаддас манбаи Куръони каримнинг айрим ояларини ҳар ким ўзича тафсир қилиши мумкин эмас. Бу Имом Абу Довуд, Имом Насойи ва Имом Термизийлар ривоят қилган «Кимки Куръонни ўзича тафсир қиласа, дўзахда ўзига жой

тайёрласин!», деган ҳадисда очиқ-оидин баён қилинган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, «аҳди сунна вал жамоа» уламоларининг яқдил эътиқодига кўра, Куръоннинг айрим оятлари мажозий маънога эга. Аллоҳнинг исми, сифатлари ва макони хусусидаги оятлар шулар жумласидандир. Уларни тӯгридан-тӯгри тафсир қилиб, шарҳлаш маънонинг тушунарсиз бўлиб қолишига ва эътиқод соғлигига путур етказиши мумкин.

Соҳта салафийлар эса, бунга зид равишда Куръонда келган Аллоҳнинг сифатларини асл ҳолича қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Масалан, уларнинг фикрига кўра, Куръон оятларида келган Аллоҳнинг «юзи» (Қасос, 88) ва Аллоҳнинг «қўли» (Фатҳ, 10)<sup>3</sup> каби сўзларни тӯгридан-тӯгри тушуниш лозим.

Аслида эса, уламоларимиз оятда зикр қилинган «Аллоҳнинг юзи» масаласида Аллоҳ таолонинг доимийлиги ва Унинг ниҳояси йўқлигини, яъни Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса йўқ бўлиб кетишини англатади, деган фикрни билдирадилар. «Аллоҳнинг қўли» хусусида эса «чексиз қудрат эгаси» маъносини тушуниш керак, деб таъкидлайдилар. Хусусан, Шайх Абдулазиз Мансур «Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»да «Фатҳ» сураси 10-оятидаги «Аллоҳнинг қўли» масаласига тўхталиб: «Пайғамбар (с.а.в.)нинг қўли мўминлар қўли устига қўйилгани гўё Аллоҳнинг «қўли» қўйилгани билан баробардир. Гўё бошқа оятда: «Расула га итоат этган киши, Аллоҳга итоат этган бўлади», – дейилгани каби, деб шарҳлайдилар.

Аллоҳнинг ягоналиги, унинг зоти ва сифатлари дунёдаги ҳеч бир мавжудот ва жонзоротга ўхшамаслиги дақида Куръони каримда шундай дейилади: «Унинг мислидек бирор нарса йўқдир» (Шуро, 11)<sup>4</sup>.

Шунга асосланиб, имом Абу Ҳанифа (р.а.) ўзининг «ал-Фиқхул-акбар» номли китобида: «Аллоҳ ўзи яратган нарсалардан бирортасига ўхшамас. Унга ҳам бирор нарса ўхшаш эмас. Ўзининг

<sup>3</sup> Бу ва кейинги ўринларда шаклланган анъанага кўра қавс ичида сура номи ва оят рақами келтирилди.

<sup>4</sup> Бу ва кейинги ўринларда Куръони карим ояtlари қўйидаги манба бўйича берилди: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаба бирлашмаси, 2009. – 624 6.

зотий ва феълий сифатлари билан азалдан бор бұлған ва абадий бор бұлур», деган фикрларни баён этган.

Бу гоя Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг «Ақидату Таҳовия» асаридағи «Аллоҳ бирдир, Унинг шериги йүқдір, Унинг тенги ва тимсоли йүқдір, Уни енгадиган ва ожиз қолдирадиган бирор күч йүқдір, Ундан ұзға илоҳ йүқ. У қадимдирки, ибтидосиз ва доимийдирки, интихосиз. У фоний эмас ва асло йүқ бұлмас», деган фикрда ҳам ұзининг мужассам ифодасини топған.

*Сохта салафийларнинг ислом дини асосларини бузшида изчил эканликларини алохуда қайд этиши лозим. Куръони каримнинг илк ислом давридаги мушрикларга қаратылған «Одамлар орасыда Аллоҳдан ұзға нарсаларни (сохта маъбудаларни) Унга тенг билиб, уларни Аллоҳни севғандек севадиган кимсалар ҳам бордир» (Бақара, 165), деган оятини уларнинг қарашларига құшилмаган мұмин-мусулмонларға қарши құллай бошлагандары ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.*

Мазкур оят мусулмонларға қаратылмаган уламоларимиз тағсирларида қатъий қайд этилған. Хусусан, Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятни: «Мушрикларнинг ұз маъбудаларига нисбатан севгилари кучли әмаслигига далил шуки, уларнинг бошига бирор мусибат түшса, маъбудаларидан юз үгериб, Аллоҳға илтижо қилишга ұтадилар. Мұмиларнинг Аллоҳға нисбатан севгилари кучли эканига далил шуки, уларнинг бошига ҳар қандай оғир мусибат түшса ҳам, Аллоҳдан юз үгирмай, Унинг үзидангина мадад сұрайдилар», деб шархладылар.

Қайд этилған фикрлар сохта салафийларнинг Куръон оятынини сұзма-сұз талқын этиш зарурлығи ҳақидаги қарашлары ислом асосларини бузишга йұналтирилганини янада теранроқ англашаша хизмат қиласы.

Маълумки, тавхид Аллоҳ таолонинг яккаю ягоналигига ишониш, әзтиқод қилишни англатади. Бу ақида «Ла илаха иллаллоҳ» («Аллоҳдан ұзға илоҳ йүқ») деган яхлит қалимада тұла-тұқис ұз ифодасини топған.

Шу нұқтаи назардан қараганда, Ибн Таймия томонидан үйлаб топтылған тавхиднинг иккиге бұлиншии ҳақидаги қарашлар ислом асосларини бузшида илк қадам бұлған әди, дейши мүмкін. «Рабб (Парвардигор) – Яратувчи («тавхид-рубубият»), Илоҳ (Худо)

эса – мусулмонларнинг ибодат қилиши ва сигиниши лозим бўлган Зот («тавҳид-улуҳият»)» деган тамойилда ўз аксини топган. Бундай ёндашувдан Парвардигор бошқа, Худо бошқа зот экани ҳақида холоса келиб чиқади. Ибн Таймия ўзининг бундай бузгунчи қарашларига Куръони каримнинг «Қасамки, агар улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» – деб сўрасангиз, албатта, «Аллоҳ», – дерлар» (Луқмон, 25), деган оятни асос қилиб олганини таъкидлаш зарур.

Ушбу оятни Ибн Таймия исломдан олдин ҳам арабларда «Тавҳид-рубубият», яъни Рабб (Парвардигор) ҳақида тасаввурлар бўлгани, лекин уларда «Тавҳид-улуҳият», яъни ягона Аллоҳга сигиниш гояси бўлмаган, деган маънода тафсир қиласи. Шундан келиб чиқиб, у «Тавҳид-рубубият»нинг ўзи куфрдан халос эта олмайди, Аллоҳ таоло гўёки, Раббимиз (Парвардигоримиз) эмас, деган хulosани илгари суради.

Ибн Таймиянинг тавҳид масаласига бундай ёндашуви ислом таълимотига зид эканини Куръони каримнинг «Эй, инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни тақволи бўлишингиз учун яратган Раббингизга ибодат қилингиз!» (Бақара, 21), деган ояти ҳам тасдиқлайди.

Мазкур оядда Аллоҳ таоло Ибн Таймиянинг сохта таълимоти талаб қилгандек «Илоҳингизга» тарзида эмас, балки «Раббингизга ибодат қилингиз!» шаклида зикр қилинмоқда. Буни Куръони каримнинг «Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди» (Исро, 23), «Бас, (эй, Мұхаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ ийӯқ эканини билинг!» (Мұхаммад, 19) ҳамда «(Эй, Мұхаммад!) Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир» (Ихлос, 1) каби кўплаб оятларида келган кўрсатмалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Демак, тавҳид – бўлинмас ва мутлақдир. Аллоҳнинг ўзи Рабб (Парвардигор)дир, ҳам Илоҳ (Худо) дир. Тавҳидни иккига бўлиш Аллоҳ буюрган ягона тавҳидга мутлақо зиддир.

Қайд этилган мулоҳазалар «Тавҳид-улуҳият» тамойили энг аввало, ислом шариати жоиз деб билган Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳамда саҳобийлар ва азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш каби амалларни бажарадиганларни куфр ва ширкда айблашга қаратилганини англаш имконини беради.

Исломдан аввалин жоҳилият даврида қабрларни улуглаш, уларга сиғиниш авж олган эди. Шунинг учун ҳам, Мұхаммад (с.а.в.) дастлаб – мусулмонлар бутпаратстик ва ширк асоратларидан батамом покланиб улгурмаган, тавҳид тұлық қарор топмаган бир пайтда кишиларни мазкур амалдан қайтарған әдилар. Ислом бутунлай қарор топғандан сұнг, Пайғамбаримиз (с.а.в.) қабрларни зиёрат қилиш охиратни эслатишини инобатта олиб, бунга изн берғанлар. Мазкур масалада саҳобий ва тобиийлар ҳамда кейинги уламолар даврида ҳеч қандай ихтилоф бұлмаган.

*Шундай бұлса-да, тарих ұзарини асл ислом тарафдорлари деб биладиган сохта салафийлар томонидан қабрларни оёқости қилишідек ҳолатлар содир этилганидан гувоҳлик беради. Улар ұз даврида Мадинаи мунавварарады саҳобаларнинг қабрларини бузиш билан киғояланиб қолмай, ҳатто Пайғамбар (с.а.в.)нинг қабрларини вайрон қилишга ҳам уриниб куришган эди. Қабрларни зиёрат қылған одам мусулмончилікден чиқади, деган даъволар остида бундай ҳаракатларни содир этган сохта салафийлар кейинчалик ушбу масалада янада чуқурлашиб кетдилар. Уларнинг «Қабристонга бориши күфр. Бу күфр эса бутпаратларнинг күфридан ҳам құрқинчлироқ», деган қарашларни илгари сургани бунга мисол бұла олади.*

Аслида қабрларни зиёрат қилиш ислом динида рухсат этилған амал ҳисобланади. Унинг ширк ҳисобланиши ҳақиқидаги фикрларнинг динимиз таълимотига зид экапини құйида көлтирилаётған ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Имом Термизий ривоят қылған ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарған әдим. Кейин менға маълум бўлди (яъни, Аллоҳ томонидан буюрилди). Энди қабрларни зиёрат қиласверинглар! Чунки у қалбни юмшатади, құзни ёшлатади ва охиратни эслатади», дегаплар. Бу құрсатмага Пайғамбаримиз саҳобалари ҳам амал қилишган. Бунга улуғ саҳоба Усмон (р.а.)нинг «Агар дўзахда бўлсан одамлар билан бўламан, қиёматда бўлсан ҳам одамлар билан бўламан. Лекин, қабрда бўлсан, мен билан ҳеч ким бўлмайди. Шунинг учун уни кўп зиёрат қиласман ва йиглайман», деган сўзларини мисол қилиб көлтириш мумкин.

Келтирилган далиллар қабристонларга бориб, мархұмларни ёдға олиш ислом диніда рухсат этилған савобли амал эканини күрсатади. Банда бу билан дүнёнінг үткінчі эканини ҳис этиб, үзини бошқаларға зарар етказадиган гунох ишларни қилишдан сақдаш ва әзгу амалларни күпроқ қилишига ундаиди. Демак, қабр зиёрати инсонлар үртасындағы үзаро мөхр-муруват фазилатларини кучайтирувчи воситадир.

Ислом ақидағы құра, Аллохнинг фаришталари Пайғамбар (с.а.в.) га салавот айтіб туради. Шунинг учун ҳам, Расууллоҳ (с.а.в.) ни әслаш, уларнинг ишларини зикр этиш савоб амаллардан ҳисобланиб, асрлар давомида бу масалага алоқида әထибор билан қаралған. Пайғамбар (с.а.в.) ва уларнинг оиласындағы ҳурмат күрсатып әса ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу ҳақда Қуръони каримда «Әй, имон келтирғанлар! Амалларингиз үзингиз сезмаган ҳолингизда зое бўлиб кетмаслиги учун сизлар овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан юқори құттармангиз ва унга бир-бирларингизга баланд овоз (дагал сұз) қылғандек баланд овоз құттармангиз!» (Хужурот, 2) деган күрсатмалар очиқ-ойдин баён қилингандар. Шундан келиб чиқиб, уламолар бир овоздан Пайғамбар (с.а.в.) га ҳурматсизлик – куфрга (динисизлик) етакловчи энг оғир гуноҳлардан, деб ҳисоблайдилар.

Маълумки, күпчилик мусулмонлар, жумладан, ҳанафий мазҳабига әргашувчилар Расууллоҳ (с.а.в.) таваллуд топған ойда мавлудун-набийни нишонлаб, у зотта салавот айтадилар. Зоро, Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Менга салавот айтғанга, 10 та салом бўлсин», деб таъкидлаганлар.

Сохта салафийларнинг иддаоларига кура әса, Расууллоҳ (с.а.в.) ва саҳобалар мавлудни нишонламагандар. Одамларнинг Пайғамбар (с.а.в.) га күпчилик бўлиб салавот айтшиши әса диндаги бидъат бўлиб, у залолатга етаклайди. Айни пайтда, уларнинг фикрича, Пайғамбарни улуғлаш «Тавхид-улюҳият» га мутлақо зиддир. Сохта салафийларнинг тавҳид ҳақидаги қараашларига кура, Аллоҳдан бошқани улуғлаш ва ҳурмат күрсатиши ширк амалдир. Бу әса куфрга олиб боради. «Сизлар мени насронийлар Исо Масиҳни улуғлагандек улуғламанглар!» мазмунидаги ҳадис бундай хулоса учун асос бўлар эмиш. Аслида әса, бу ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) үзларини илоҳ сифатида улуғламаслик кераклыгини таъкидлаганлар.

Мавлудун-набийни ўтказиши ислом шариатига мувофиқ амаллардан ҳисобланади. «Азҳар» уламолари фатвосидаги «Расулуллоҳ (с.а.в.) ӯз тугилган кунларини ҳар йили эмас, балки ҳар ҳафтанинг душанба куни нишонлардилар. У зот (с.а.в.) ҳар душанба куни рӯза тутардилар. Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нима учун ҳар душанба рӯза тутишларини сӯраганларида: «Мен шу куни тугилганман», деганлар. Жумхур уламоларнинг «Пайғамбар (с.а.в.)ни зикр қилиш савобли амаллардан ҳисобланади», деган фикрлари ҳам бунинг исботи бўла олади.

Соҳта салафийларнинг Пайғамбар (с.а.в.)га ҳурматсизлик қилиши у зотнинг ота-оналарини коғирликда айблашларида ҳам якъол кўринади. Уларга қўра, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ота-онаси гўёки, мусулмон ҳолатда вафот этмаган. Уларнинг бундай гайриисломий ёндашуви «иубувват (пайғамбарлик) Муҳаммад Пайғамбарнинг ӯзида, унинг сўзи ва амалида намоён бўлган. У зотнинг танаси, яъни жисмидан эса фойда йўқ. Чунки бу тана унинг мушрик ота-онасининг бир бўлагидир. Пайғамбар ӯлди, унинг жасадидан фойда йўқ. Шу боисдан, унинг қабри зиёратидан ва тавассул қилишдан маъно йўқ», деган қарашларга асосланади.

Ваҳоланки, барча диний манбаларда Пайғамбаримизнинг аждодлари ҳурматга сазовор ва юксак фазилатга эга инсонлар бўлгани қайд этилган. Ҳадисларда ҳам у зотнинг насл-насаби Исмоил пайғамбарга бориши хусусида маълумотлар бор. Абу Ҳанифа (р.а.)нинг «ал-Фиқҳул-акбар» номли китобида таъкидланганидек «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ота-оналари ислом фитрати (исломий табиат)да вафот этганлар».

Қайд этилган фикрлар Расулуллоҳ (с.а.в.)га салавот айтишни инкор этиб, ҳурматсизлик кўрсатаётган, ота-оналарини мушрик деб ҳисоблаётган мутаассиб кучларнинг қарашлари мутлақо асоссиз эканини кўрсатади.

Маълумки, Ўрта асрларда ёк уламолар томонидан ижтиҳод «эшиги» ёпишгани ва мусулмонларнинг «аҳли сунна вал жамоа»даги тўртта мазҳабнинг биттасига эргашиши вожиб (шарт) амалдир, деб эълон қилинди. Бу масалада хилоф қилганлар кўпчиликнинг қаршилигига дучор бўлганлар. Шу билан бирга, гоҳ-гоҳида ижтиҳодни даъво қилганлар ҳам чиқиб турган. Бундай шахсларга Ибн Таймия ва унинг шогирди Ибн Қайим

мисол бўла олади. Улар мазҳабсизликни тарғиб қилганлари учун «мазҳабсиз»лар деган ном олган.

*Ҳозирги кунда ҳам соҳта салафийлар томонидан эътироф этилган мазҳабларнинг тан олинмаётгани, уларнинг «мазҳаблар турли ихтилофларга замин яратиб, мусулмонларнинг бирлигини бузмоқда», деган даъволари ҳам уларнинг асл моҳиятини яқзол намоён этади. Зоро, бундай иддаолари билан улар диний бирлик ва ақидавий яқдилликка раҳна солмоқда. Чунончи, улар мазҳаббошимиз Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.а.)нинг фикрларига менсимасдан қараш, унинг шахсиятини камситиш каби қабиҳликларга бормоқда. Соҳта салафийларнинг Мисрдаги раҳнамоларидан бирининг мазҳаб имомларини адашганлиқда айблаб, Абу Ҳанифани «Абу Жийфа» («мурда отаси») ва Имом Моликни «Имом Ҳолик» («ҳалок бўлувчи») деб ҳақорат қилгани ҳам бунга мисол бўла олади.*

Аслида турли мазҳабларнинг мавжудлиги исломнинг заифлиги, камчилиги сифатида қаралиши мумкин эмас. Аксинча, мавжуд мазҳаблар ислом шариатининг замон ва маконга мослашувчанлигидан ҳамда мусулмонлар учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Масалан, бирор бир манзилга бориш учун турли томонлардан бориш имкони бўлса, киши нисбатан энг яқин йўлни кўзлайди. Мазҳаблардаги фарқларни ҳам шунга қиёслаш мумкин. Зоро, уларда у ёки бу масала муайян халк, миллатнинг урф-одатлари, қадриятлари, менталитети, ижтимоий муносабатларнинг характеристидаи келиб чиқиб, мазҳаб мужтаҳидига етиб келган ишончли диний манбага асосланиб энг қулай ва маъқул шаклда ҳал қилинади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, замонамизнинг машҳур уламоларидан суриялик шайх Мұҳаммад Саид Рәмазон Бутий ӯзининг «Мазҳабсизлик: ислом шариатига таҳдид солаётган улкан бидъат» китобида келтирилган фикрлар эътиборга моликдир. Олим ҳукм чиқариш илмини тиббиёт илмига қиёслаб «Мабодо бироннинг фарзанди оғир касалга чалиниб қолса, у тегишли ташхис қўйиш ва фарзандини даволаш учун тиббиётга оид китобларни титмасдан малакали шифокорнинг олдига боради. Динда ҳам худди шундай. Манбаларни ахтаришга ҳаракат қилиш ва мужтаҳидликни

даъво қилиш ўрнига бутун умрини исломни ўрганишга багишлаган уламоларни ва улар томонидан ишлаб чиқилган мазҳаб қоидаларини тан олишимиз зарур», – деб ёзди.

Айни пайтда, астрономиядан олинган яна бир ташбехни келтириш мумкин. Куръон суралари ва ҳадисларни юлдузларга ўхшатиш мумкин. Телескоп ёрдамисиз уларниг аксариятини яхшироқ кўриб бўлмайди. Бунда янги телескоп ихтиро қиласдан буюк олимлар кашф қилиб ясад кетган ҳамда кейинги авлодлар такомиллаштирган телескопдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Щу нуқтаи назардан қаралганда, мазҳаблар бизга исломни аниқ-тиниқ кўриш ва англаш имконини берадиган Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий ҳамда Имом Ҳанбаллар ясад кетган аниқдик асбоби – «телескоп»дан бошқа нарса эмас, дейиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазҳабларни инкор қилиш йўлида олиб борилаётган ҳаракатлар ва ўзича фатво чиқаришга уринишлар замонавий ислом уламоларини ҳам тапивишлантириб, уларни ушбу масалага қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур қилмоқда. Жумладан, 2005 йилнинг июлида Иорданиянинг Оммон шаҳрида «Ислом ҳакиқати ва унинг замонавий жамиятда тутган ўрни» шиори остида бўлиб ўтган илмий анжумандга қабул қилинган Декларацияда «Мазҳабларни эътироф этиш фатво масаласида муайян йўлини танлашни англатади. Ҳеч ким мазҳаблар йўлини тутмасдан, уларда белгилаб қўйилган кўрсатмаларга зид равища фатво бериши мумкин эмас. Ҳеч ким ўзича мужтаҳидликни даъво қилиб, янги мазҳаб пайдо қилиши мумкин эмас», деб қайд этилганини таъкидлаш лозим.

Аллоҳ ягона ва Мұхаммад (с.а.в.) Унинг элчиси эканига имон келтирган ҳар қандай киши мўмин ҳисобланади. Мотуридия таълимотига кўра, имоннинг шарти тавҳиди тил билан икрор қилиб, қалб билан тасдиқлашдир, холос. Инсоннинг имонини ўлчаш, уни мусулмон ёки коғирлигини аниқлаш ҳукми ҳеч кимга берилмаган. Чунки имон инсон қалбида бўлади. Қалб эса, фақатгина Аллоҳнинг ҳукмидаидир. Шунга кўра, банданинг устидан банда эмас, Аллоҳ таолонинг ўзи ҳукм чиқаради.

Маълумки, «куфр» сўзи «беркитмоқ», «динсиз бўлмоқ» маъноларини англатиб, имоннинг акси ҳисобланади. Шунга кўра, қалбида умман имони бўлмаган шахс «коғир» дейишиади.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

7 · 2258

Axborot Resurs Markazi

Тарих турли диний-экстремистик оқимлар күфр масаласида исломнинг моҳиятига зид иддаолар билан қарши чиққанидан гувоҳлик беради. Бугунги кунда соҳта салафийлар ҳам ана шу йўлдан бормоқда. Хусусан, улар амални имоннинг жузъи (бир қисми), деб билган ҳолда ислом арконларини тұлиқ бажармаган, уларни тарк этган ёки гуноҳи кабирага қўл урган мусулмонларни коғир, деб эълон қилмоқда. Жумладан, 2007 йилда қўшни Тожикистанда пайдо бўлган соҳта салафийлар томонидан ҳанафий мазҳаби вакиллари «ҳидоятдан адашганлар», шиа мусулмонлари эса<sup>5</sup> «коғир» деб эълон қилинди. Бу каби ҳолатлар мамлакат барқарорлигига жиҳдий хавф-хатар солиши мумкинлиги инобатга олиниб, 2009 йил январь ойида Тожикистан Олий суди томонидан конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва конфессиялараро келишмовчилукларнинг олдини олиш мақсадида ушбу ҳаракат фаолияти тақиқланди.

Ваҳоланки, Абу Ҳанифа (р.а.)нинг «ал-Фикхул-акбар» номли китобида айтилишича, гуноҳи кабира қылган мусулмон коғир эмас, балки осий ва гуноҳкор бўлиб, мўминлигича қолаверади. Шунга кўра, ширкдан ташқари ҳар қандай гуноҳ қылган инсон «коғир» ҳисобланмайди.

Шундан келиб чиқиб, қалбида заррача имони бор одамни күфрда айблайдиган шахснинг ўзи диндан чиқиши мўътабар манбаларда асослаб берилган. Жумладан, ўзидан бошқаларни коғирлиқда айблашнинг ислом дини таълимотига зид экани ҳадисларда ҳам муфассал баён қилинган.

Имом Абу Довуд ривоят қылган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ла илаҳа иллаллоҳ деган одамни унинг гуноҳи туфайли «коғир» демаймиз ва амали боис исломдан чиқармаймиз», бошқа бир ҳадисда эса «Кимки мўмин кишини «коғирсан» деб ҳақоратласа, гўёки унинг қонини тўкканчалик гуноҳ қиласан бўлади», деб курсатма берганлари ҳам фикримиз исботи бўла олади.

Қайд этилган масалага уламолар асарларида ҳам алоҳида эътибор берилганини эътироф этиш зарур. Хусусан, машҳур уламолардан Абул Изз ал-Ҳанафий «Шарҳ Ақидатут-Таҳовия»

<sup>5</sup> Шу ўринда Тожикистан аҳолисининг таҳминан уч юз минги шиалик йўналишига мансублигини алоҳида қайд этиш лозим.

рисоласида «Аҳли қиблалардан бирортасини гуноҳи туфайли коғир қилмаймиз», шунингдек, яна бир машҳур ҳанафий уламоларидан бўлган Ибн Нажм «Агар коғир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, коғир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни кўйиб, ўша бир далини олиш керак», деб таъкидлаганлар.

Ислом асосларини бузиш йўлида олиб борилаётган ҳаракатлар давримиз уламоларини ҳам ушбу масалага қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур қилмоқда. Жумладан, 2005 йилнинг июлида Иорданиянинг Оммон шаҳрида ислом дунёсининг етакчи уламолари томонидан «такfir» (динсизликда айблаш) масаласида маҳсус фатво қабул қилинди. Унда «Аҳли сунна вал жамоанинг тўрт мазҳаби: ҳанафий, моликий, шофеъий, ҳанбалий, шунингдек, шиаликдаги жаъфарий, зайдий, ибодий ва зоҳирий мазҳабларига эргашувчиларнинг барчаси мусулмон ҳисобланади. Уларни имонсизликда айблаш, уларнинг қонини тўкиш, молини тортиб олиш ва обручини поймол қилиш мумкин эмас. Албатта, ушбу мазҳаблар иттифоқ қилган нарсалар ихтилоф қилганларидан жуда ҳам кўпdir. Уларнинг ҳаммаси исломнинг беш аркони: имон, намоз, рӯза, закот ва Байтуллоҳга ҳаж қилиш масалаларида яқдил фикрдадирлар», деб эълон қилингани эътиборга моликдир.

Юқоридаги фикрлар мусулмонларнинг амаллари ва ибодатларини йўққа чиқариш, ўзидан бошқаларни коғирлик – динсизликда айблашнинг ислом таълимотига зид эканини кўрсатади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Ишларнинг яхшиси ўртачасидир», деб таъкидлаганлар. Демак, ҳар бир ишда, ҳатто эътиқод масалаларида ҳам мўътадиллик тамойилларига риоя этиш исломнинг асосини ташкил этади. Аммо ҳозирда диндаги бирор амал ёки тушунча мазмунини талқин қилишда меъёрии бузиш, ҳаддан ошишдек ҳолатлар ҳам кўплаб учрамоқда. Буни экстремистик оқимлар, жумладан, сохта салафийлар томонидан ислом динининг айрим тушунчалари гараз мақсадларда талқин этилаётганида кузатиш мумкин. Сохта салафийлик мағкураси ривожланишининг дастлабки босқичида «жиход» жамиятни шариат асосида бошқармаётган ҳукмдорга қарши кураш сифатида талқин қилинган бўлса, кейинчалик «жиход – исломнинг олтиинчи аркони ва мусулмоннинг гайридинларга қарши муқаддас уруши»,

деб эълон қилинди. Диний-экстремистик ташкилот етакчиларининг «жиход» тушунчасини динсизларга, ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган мусулмонларга қарши қураш маъносидаги ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Бундай талқин динимизнинг гўёки, ёвузликка ва жангу жадал, уруш, қон тўкиш, бошқа диндагиларга қарши қураш олиб боришга асослангани ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Хозирда «жиход» тушунчасининг соҳта салафийлар томонидан яратилган талқини диний-экстремистик ҳаракатлар учун терактларни амалга ошириши учун гоявий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Буни ўз номига жиход сўзини асос қилиб олган юздан ортиқ диний-экстремистик гурухлар ва улар томонидан амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, 1998 йилда «ал-Қоида» террорчи ташкилоти бошчилигидаги бир неча гуруҳ ва ҳаракатлар бир уюшмага бирлашиб, ўзларича бутун дунёга қарши «жиход» эълон қилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Соҳта салафийларнинг «жиход» тушунчаси борасидаги бундай ёндашуви айрим минтақаларда бир динга эътиқод қилувчилар ўртасида турли келишмовчилик ва низоларни келтириб чиқармоқда. XX асрнинг 90-йилларида Россия Федерациясининг Дагестон Республикасида пайдо бўлган соҳта салафийларнинг анъавий шофеъий мазҳабига қарши чиққани, бу ердаги тасаввуф билан тўқнаш келиб, суфийларни «жиход» таълимотини нотўри талқин қилишда айблаганлари ҳам бунинг исботи бўла олади. Соҳта салафийлар иddaolariiga кўра, «жиход – инсоннинг маънавий комиллиги эмас, балки бу гун оламда исломни қурол билан ёйиш» ҳисобланади.

Ваҳоланки, «жиход» сўзи бирор мақсадга эришиш учун куч, ҳаракат ва гайратни сарф қилиш маъноларини англатади. Диний истилоҳга кўра, унинг нафс, шайтон ва ёв билан курашишдек турлари мавжудлиги, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида мўътабар манбаларда етарлича тушунтириш берилган. Энг муҳими, беайб, бегуноҳ инсонларни қурол кучи билан жисмоний йўқ қилишга қаратилган ҳаракат асло жиход ҳисобланмайди. Бу масалада гулувга кетишнинг муқаддас ислом динига мутлақо зид, экани Қуръон оятлари, ҳадислар ва уламоларнинг асарларида муфассал баён қилинган.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Жиҳод тұрт хиладир: Амри маъруф (яхши ишларга буюриш), нағий мункар (генох, ёмон ишлардан қайтариш), үзининг зарарига бұлса ҳам рост сұзлаш, фосиқ кишининг масхара қилишига чидаң туриш».

Имом Бухорий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда шундай дейилади: «Жиҳоднинг афзали Аллоҳ йұлида үз нафси ва хоҳишига қарши қилинадиган курашдир».

Имом Бухорий ва Имом Мусалим ривоят қилган ҳадисда эса шундай дейилади: «Бир саҳоба Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келиб жиҳодда қатнашмоқчи эканини айтди. У зот (с.а.в.) саҳобадан: «Ота-онанг борми?», деб сұрадылар. У: «Ҳа», – деб жавоб берди. Шунда Пайгамбар (с.а.в.): «Уларнинг құзурига бориб ёрдам бер ва хизматларини қил! Шу сенинг жиҳодингдир», дедилар».

Күриниб турибиди, ислом таълимотида «жиҳод» ахлоқий-тарбиявий мөһиятга әга бўлиб, нафсу шайтонга қарши курашдан иборатлиги таъкидланади. Бу эса инсон үз нафсини ҳар қандай тубанлик ва қабиҳликдан қайтаришида ва ахлоқий фазилатларни үзига сингдириб, юксак инсоний хислатларга әга бўлиш даражасига эришишида намоён бўлади.

## СОХТА САЛАФИЙЛИКНИНГ ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК МОҲИЯТИ

Сунгги йилларда ислом омилиниң фаоллашуви ноанъанавий ҳисобланған диний ҳаракат ва оқимларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишида ҳам үз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга, диний-экстремистик гурӯҳлар фаолиятининг глобаллашуви, уларнинг террорчиллик ташкилотларига трансформациялашуви ва жиной уюшмалар билан бирлашуви мамлакатлар барқарорлиги учун жиiddий таҳдид солмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда сохта салафийлик гоялари ва уларни асос қилиб олган ҳаракатлар фаолияти ҳам үзининг экстремистик мөһиятини яққол намоён этаётганини таъкидлаш зарур. Жумладан, сохта салафийлар жамиятни «мусулмонлар» ва «динсизлар»га бўлиши,

бошқа диндагиларни «душиман» деб зөлон қилиши орқали динлараро адоват уйготишга уринмоқда. Чунончи, 1998 йилнинг февралялида сохта салафийлик ғоялари остида ҳаракат қиласидиган, кўпроқ «ал-Қоида» номи билан машҳур бўлган «ал-Қоида ас-сулбаҳ» (арабча – «Мустаҳкам база») ташкилоти бошчилигида «Ал-жабҳа ал-исламия ал-аламия ли-қитал ал-яҳуд вас-салибиййин» (арабча – «Яҳудий ва салбчиларга қарши курашиш халқаро ислом фронти») тузилмаси ташкил топди. Ушбу уюшма номининг ўзи ҳам диний айрмачиликни келтириб чиқариш сохта салафийларнинг асосий мақсадига айланганидан далолат беради.

2000 йил Жакарта (Индонезия)даги черковда, 1998 йилда Кения ва Танзания давлатларида АҚШ, 2004 йил июлида Тошкент шаҳридаги АҚШ ва Исроил элчихоналари бинолари ҳамда 2008 йил ноябринда Мумбай (Хиндистон)даги «Яҳудийлар маркази»да, 2010 йил сентябринда Бишкек (Қирғизистон)даги Яҳудийлар синагогасида содир этилган портлатишлар сохта салафийларнинг ўзга дин вакилларига нисбатан шафқатсиз услублардаги ҳаракатларига мисол бўла олади.

Сохта салафийларнинг иддаоларига кўра, милодий йил ҳисобини ишлатиши, бошқа дин вакилларининг байрам, маданий тадбирларида иштирок этиши ва табриклиш, кийган кийимларини (жумладан, костюм, пальто, галстук, шим ва қўйлаклар) кийши ҳам имонсизлик ҳисобланади. Бунга далил сифатида улар Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг «Кимки ўзини бирор бир қавмга ўхшатса, у ўшалардандири», деган кўрсатмаларини «мусулмонларга аҳли китоб (яҳудий ва христианлар) вакиллари билан алоқа қилиш ман этилган» деган маънода бузиб талқин қилмоқда. Аслида эса ҳадис ақидавий мазмунга эга бўлиб, унда имон асосларидан четга чиқмаслик назарда тутилганини барча уламолар эътироф этишади.

Ғайридинларга нисбатан душманларча муносабатда бўлиш ва уларга зулм қилишнинг ислом дини таълимотига зид экани Куръон оятлари, ҳадисларда муфассал баён қилинган. Жумладан, Куръони каримда «Дин тұғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларгаadolatli bўliшингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳadolatli кишиларни севар» (Мумтаҳана, 8), деган оятда мусулмонлар учун қатъий

кўрсатма берилган. Шунингдек, Куръони каримнинг бошқа бир оятида шундай дейилади: «Улар ўз диёрларидан фақатгина «Раббимиз Аллоҳдир», деганлари учун ноҳақ қувилган эдилар. Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта, Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларда) узлатгоҳлар, (насронийларда) бутхоналар, (яхудийларда) ибодатхоналар ва (мусулмонларда) масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли ва қудратлийдир» (Ҳаж, 40).

Ушбу оятни Шайх Абдулазиз Мансур қуидагича тафсир қиласидар: «Бошқа диндаги кишиларнинг ибодатхоналари ҳам мусулмонларнинг масжидлари қаторида ижобий маънода зикр этилиши диққатга сазовордир».

Имом Абу Довуд ривоят қиласанда Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг: «Кимки бирор бир муоҳид (аҳдлашган бошқа дин вакили) кишига зулм қиласа, унинг ҳаққини поймол этса, унинг тоқати етмайдиган нарсага мажбур қиласа ёки ундан ўз розилигисиз бирор нарса олса, Қиёматда мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан» ҳамда Имом Доримиий ривоят қиласанда «Кимки бегуноҳ муоҳидни ўлдирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қиласди», деганлари ҳам ислом динининг бошқа диндагиларга нисбатан доимо яхши муносабатда бўлиш кераклигини билдиради. Ислом тарихида ҳам бунга кўплаб мисоллар учрайди:

– Пайғамбар (с.а.в.) Мадинада истиқомат қилиш даврида жамият манфаати учун уердаги яхудийлар билан ўзаро ҳамкорликда тинч-тотув яшаш асосларини белгилаб берувчи аҳдномага амал қиласандар;

– Мұхаммад (с.а.в.) бошқа дин вакилларига совға-саломлар юбориб турғанлар ва уларнинг ҳадяларини ҳам қабул қиласандар. Ҳаттоқи, улар томонидан ҳадя қилинган кийимларни кийиб юрганлари ҳам маълум ва машҳурдир;

– Пайғамбар (с.а.в.) бошқа ўлкалардан ташриф буюрган христианларни меҳмон сифатида кутиб олиб, уларга иззат-икром кўрсатганлар. Уларни ўз масжидларига туширганлар ва ҳаттоқи, у ерда ўз ибодатларини амалга оширишга рухсат берганлар.

Хозирги кунда сохта салафийликка мансуб деб ҳисобланадиган юздан ортиқ ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улар қаторида

«ат-Тавҳид вал-жихад» («Яккахудолик ва жиҳод», Фаластиин), «Ат-талиъа ал-муқатила» («Жангчи авангард», Сурья), «Фатҳ ал-ислам» («Ислом фатҳи», Ливан), «Жайш ал-Қудс ал-исламий» («Муқаддас ислом армияси», Иордания), «Ҳаракат аш-шабаб ал-мужаҳидин» («Мужоҳид ёшлар ҳаракати», Сомали), «Жайш Аби Бакр ас-Сиддиқ ас-салафий» («Абу Бакр Сиддиқ салафий армияси», Ироқ), «Хўмаат ад-даъва ас-салафия» («Салафий даъват ҳимоячилари», Жазоир), «ал-Жиҳадия ас-салафия» («Салафийлик жиҳоди», Марокаш), «Толибон» («Талабалар», Афғонистон), «Туркистон ислом ҳаракати» («ТИҲ», собиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати»), «Иттиҳад ал-жихад ал-исламий» («Ислом жиҳоди уюшмаси», «ТИҲ» таркибидан ажралиб чиққан гурӯҳ), «Жамаат Ансаруллоҳ» («Ансоруллоҳ жамоати», Тожикистон), «Жундул хилофа» («Халифалик лашкарлари», Қозогистон) ва бошқа бир қатор ташкилотларни санаб ўтиш мумкин.

Секуляризм (дунёвийлик) ва давлатнинг демократик тамоилиларини қоралаши, инкор қилиши ҳамда давлат тўнтариишини амалга ошириши орқали ҳокимиятни қўлга киритши ва халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш соҳта салафийларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Улар томонидан «Глобал жиҳодчи салафийлик» гоясининг ишлаб чиқилиши ва аниқ мақсадга қаратилган стратегик йўналишларнинг белгилаб олингани доимо огоҳ ва хушёр бўлишга ундейди. Ушбу гоянинг асосий мақсадини «ал-Қоида»нинг етакчиси Айман аз-Завоҳирий ўзининг баёнотларидан бирида шундай изоҳдаган: «Глобал жиҳодчи салафийликнинг асосий мақсади барча ислом ҳудудида шариатни ўрнатиш, бутунжаон ислом халифалигини барпо этишдир». Замонавий экстремистлар бу гояни амалга оширишда ҳеч нарсадан қайтмасликларини айтмоқдалар.

Аслида «ислом давлати» ва «халифалик ҳокимияти»ни яратиш ҳақидаги гояларнинг ислом таълимотига мувофиқ келмаслиги ислом уламолари томонидан таъкидланган. Бу борада кўплаб китоблар, рисолалар ёзилган.

Таъкидланганидек, соҳта салафийликда «жиҳод» гоясининг мазмуни бузиб талқин килиниб, унга жангарилик тузи берилди. Бу эса ҳозирда ушбу гоя остида фаолият олиб бораётган ҳаракатларнинг замонавий тарафдорларига нисбатан «жиҳодчилар» деган атамани

күллашга асос бўлмоқда. Улар нафақат бошқа дин вакиллари, балки шариат аҳкомларини тўлиқ бажармаётган мусулмонларга қарши зўравонлик, қўпорувчилик ҳамда босқинчлилик ҳатти-ҳаракатларини асослаш ва оқлаш учун «жиҳод» тушунчасидан фойдаланишмоқда. Уларнинг фикрича, ҳукуматга хизмат қилаётган давлат, ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари, ҳарбийлар ҳам «динсизлар» тоифасидан ҳисобланади. Бу йўлда улар давлат раҳбарларини, ҳокимият идоралари вакилларини обрўсизлантириш ҳамда расмий диний уламоларнинг мавқеларини заифлаштириш мақсадида уларнинг ҳаётига тажовуз қилишгacha боришимоқда. Жумладан, 2009 йилда Ўзбекистонда бир қатор диний уламоларга нисбатан тажовузлар ўюштирилгани бунга мисол бўла олади.

Сохта салафий «жиҳодчилар»нинг айнан шу йўналишдаги фаолияти айрим қўшни давлатларда кузатилганини ҳам қайд этиш лозим. Чунончи, 2007 йилнинг баҳорида Қозогистоннинг Караганда вилоятида уларнинг тўрт нафар аъзоси инкассатор ва иирик тадбиркорларга ҳужум ўюштиришга тайёргарлик кўраётганида қўлга олинган. Аниқланишича, пуллар «жиҳодчилар»нинг террорчилик ҳаракатини амалга ошириши учун берилиши режалаштирилган. 2007 йилнинг августида ушбу ҳаракатнинг бошқа бир қатор аъзолари терроризмда айбланиб қўлга олингани ва уларнинг Чимкент шаҳридаги Миллий хавфсизлик қўмитаси департаментини портлатмоқчи бўлгани аниқланган. Оқим аъзоларидан бинонинг план-схемаси, ҳодимлар ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг уй манзиллари ва телефон рақамлари рўйхати билан бирга барча маҳсус хизмат вакилларини йўқ қилишга қаратилган «фатво» ашёвий далил сифатида олинган.

Шунингдек, 2011 йилда Қозогистоннинг Актюбинск вилояти, Атырау ва Тароз шаҳарларида сохта салафийлик ҳаракатига мансуб «Жундул хилофа» террорчи гурӯҳи аъзолари томонидан қатор қўпорувчиликлар содир этилди. Жумладан, ўша йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон билан чегара дош бўлган Жамбил вилоятининг Тароз шаҳрида террорчи 5 нафар ҳукуқни муҳофаза қилувчи идора ҳодими ва 2 нафар оддий фуқарони отиб ўлдирган.

Ислом таълимотида раҳбарларга итоат қилиш тўғрисида қатъий далиллар келтирилган. Жумладан, Куръони каримнинг «Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва

ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!» (Нисо, 59) деган оятида мусулмонлар учун аниқ кўрсатма бор. Ушбу оятни Шайх Абдулазиз Мансур қўйидагича тафсир қиласидилар: «Бу оятдан Аллоҳ ва Унинг расулининг буйруқларига итоат қилиш билан бирга мусулмонлар ўзларидан бўлган дин ва давлат бошлиқларига ҳам итоат қилишнинг вожиблиги маълум бўлади. Модомики, раҳбар ёки ота-оналар гуноҳишларга буюрмас эканлар, уларга итоат этиш шаръян вожибdir».

Соҳта салафийлар ўз гояларини ёйшида яширин «ҳужралар» тизими фаслиятини кучайтириши, унда асосан ёшларни ўқитиши ва уларга «халифалик», «жикод», «шахидлик» гояларини сингдириси орқами янги «жамоат»ларни тузшига асосий эътиборини қаратмоқда. Жумладан, маълумотларга кўра, соҳта салафийлик оқимларидан бири «Туркистон ислом ҳаракати» Марказий Осиё минтақасида ўзининг бузғунчи гояларини тарғиб этишда ва экстремистик кайфиятдаги ёшларни тайёрлашда яширин «ҳужралар» ёрдамидан фойдаланишга интилмоқда.

Шунингдек, маълумотларга кўра, «Туркистон ислом ҳаракати»дан ажralиб чиққан «Ислом жиҳоди уюшмаси» террорчи гурухи сафлари 1990-йилларда ота-оналари билан Ўзбекистонни тарқ этган жангариларнинг ўсмир ёшдаги фарзандларидан фаол фойдаланиш ҳисобига тўлдирилмоқда.

«Ал-Қоида» террорчи ташкилоти томонидан эса Йроқда «уз жонига қасд қилиш» амалиётини ўтказиш учун ёш болалардан иборат «Туйур ал-жанна» («Жаннат қушлари») ва аёллардан ташкил топган «Ҳарим ал-Қоида» («Ал-Қоида» аёллари») гуруҳлари тузилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мутаассибликка асосланган назарий қарашлардан террорчилик амалиётига ўтиши соҳта салафийликнинг ўзига хос хусусиятларидан саналади. Минтақада ҳозирда мавжуд айрим диний-экстремистик гуруҳ ва ташкилотлар бу йўлни аллақачон босиб ўтганини таъкидлаш зарур. Жумладан, 1996 йилда ташкил топган «Туркистон ислом ҳаракати» террорчи ташкилоти фаолиятида юқоридаги хусусиятлар кўзга ташланади. Ҳаракат аъзолари 1990-йиллар бошида «Ислом лашкарлари» (Наманган), «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ўзбекистон Ислом уйғониши партияси», «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўқон) ва бошқа экстремистик ташкилотлари

фаоллари бўлишган. Бугунги кунда «Туркистон ислом ҳаракати» гуруҳи қуролли ва жанговар ҳаракатларни олиб боришга тайёр террорчи ташкилот сифатида шаклланиб улгурганига етарлича асос ва далиллар мавжуд.

*Марказий Осиёдаги соҳта салафийлик ҳаракати фаолиятида террорчиликнинг янги усувларига мурожаат қилишлар содир бўлмоқда.* Тошкентда 2004 йилнинг март-апреъ ҳамда июль ойларида содир этилган террорчилик ҳаракатларида ilk бор янги анъана «истишҳодия», яъни «ўз-ўзини қурбон қилиш» амалиётидан фойдаланилди. 2009 йил 26 майида Андижон вилоятида, 2010 йил 3 сентябрида эса Хўжанд (Тоҷикистон) шаҳрида амалга оширилган портлатишлар ҳам юқоридаги фикрларга мисол бўла олади. Бу каби ҳодисалар исломдаги муқаддас «шаҳидлик» тушунчасини нотўғри талқин қилиш ва тарғиб қилиш орқали содир этилаётганини афсус билан қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, маълумотларга кўра, Афғонистонда 2005 йилдан бўён ҳар йили ўртача 140 га яқин террорчилик ҳаракатлари ўз-ўзини портлатиши усули билан амалга оширилмоқда. Ироқда эса 2003 йилдан бўён 1700 марта шундай шаклдаги терактлар содир этилган.

*Замонавий технология ва коммуникация воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз гояларини тарқатишга уриниш соҳта салафийликнинг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.* Соҳта салафийлар ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида техника тараққиёти ютуқларидан фаол фойдаланишга интилмоқдалар. Жумладан, улар интернетни ўзларининг ёвузлиги қуролига айлантириб, унинг воситасида глобал тармоқда виртуал жамоат ташкил этиб, диний-экстремистик қарашларни тарғиб қилишмоқда. Соҳта салафийларнинг ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган бундай ҳаракатларидан асосий мақсад ўз сафларини янгидан-янги жангарилар билан тўлдиришдан иборат бўлиб, улар бу йўлда интернет сайтларидағи ўз чиқишлиари орқали одам ёллашнинг турли усувларидан фойдаланмоқдалар. Минг афсуски, айрим гур ёшларимиз уларнинг интернет сайтларига билиб-бilmай адашиб кириб қолиши ҳамда диний экстремист ва террорчилар билан интернет орқали танишиши оқибатида соҳта салафийларнинг гоявий таъсирига тушиб қолмоқдалар.

Тадқиқотлар жаҳон интернет тармогида сохта салафийларнинг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиши учун очилган бир неча мингдан зиёд веб сайtlари мавжудлигини кўрсатмоқда. Уларга асосан диний асосдаги низоларни келтириб чиқарадиган маълумотлар, диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар раҳбарларининг турли баёнот ва мурожаатлари жойлаштирилмоқда. «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлими раҳбари бўлган Абу Мусъаб аз-Зарқовийнинг интернет саҳифаларида кенг тарқалган «Аллоҳга ишонмаслиги – гайридин нима қилиши ёки қаерда бўлишидан қатъи назар, уни қата этиш учун етарли асосдир» деган фикрини мисол сифатида келтириш мумкин. Мусулмончиликка мутлақо зид бундай баёнот кўплаб террорчи ташкилотлар фаолияти учун гоявий асос бўлиб хизмат қилаётганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

«Бутунжаҳон исломий ахборот фронти» (арабча – «ал-Жабҳа ал-иъломия ал-исломия ал-оламия») сохта салафийларнинг бузгунчиликка даъват қилувчи материалларини интернет саҳифаларида тарқатувчи асосий бўгин ҳисобланади. Унга тегишли сайтда «мина портлатиш ишлари», «шаҳарлар ва тоғли ҳудудларда жанг олиб бориш санъати», «захарловчи моддалардан қурол тайёрлаш ва ундан фойдаланиш», «махфий операциялар ўтказиш методлари» каби кўпорувчилик ва террорчиликни тарғиб қилувчи саҳифалар мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, сохта салафийлик гоялари тарғиб қилинаётган барча сайtlарда анъанавий исломга ёт чақириқлар мавжуд. Шундай веб-саҳифалардан биридаги «салафийлар тўртта мазҳабнинг ҳеч қайсисига эргашиши керак эмас», деган қарашлар ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

## ОГОҲ ВА ХУШЁР БЎЛАЙЛИК!

Мутаассиблик қўринишларидан бўлган сохта салафийлик миллий маънавиятимизга, мустақиллигимизга реал таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Шундай экан, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, равнақи ва фаровонлиги доимий ва қатъий ҳаракатларни талаб этади. Демак, ҳар бир инсоннинг ўз ишини

сүдкіділдан амалға ошириши, лоқайдык, бепарволикнинг олдини олиши, ён-атрофіда бұлаётган вөкеа-ходисаларға хүшёрлик билан қараб, Ватан тинчлигі йүлида сергак ва огоҳ бұлыб яшаши ёшларимизнинг онғы қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарапли гоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, аждодларимизга армон бұлыб қолған, биз эришган мустақиллік ва тинчлик-осойишталиктен күз қорачигидек асраб-авайлашнинг мұхим омілі ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, тинчлик учун доимо үзимизнинг бор күч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшшимиз лозим. Чunksи, бугунғи мұраккаб ва таҳликали замонда бизнинг ютуқларимизни күролмасдан, осуда ҳәётимизни издан чиқаришга уринаётган күчлар бор. Бундай ёвуз күчлардан доимо огоҳ бұлыб, уларға қарши ҳамжихатлиқда курашиш ҳар бир юртдошимиз олдида турған мұхім вазиға саналади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РҮЙХАТИ

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. // Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
2. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам): 1-2-китоблар // Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
5. Ақоид матнлари (нашрга тайёрловчи ва таржимон Шайх Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
6. Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
7. Али-заде А. Исторические и мировоззренческие основы салафизма в Исламе // [http://www.upelsinka.com/Russian/religion\\_islam\\_7.htm](http://www.upelsinka.com/Russian/religion_islam_7.htm).
8. Амуш, Бисам Али. Мазаҳиб ва фирақ: дирасат нақдия. – Оммон: «Ал-академийигүн линг-нашр ват-тавзеъ», 2006.
9. Билим – имон чироги / Тўпловчи ва таржимон А.Абдулжабборов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2002.
10. Бутий, Мұхаммад Сайд Рамазон. Ал-ламазҳабийа: ахтару бидъа таҳдид аш-шариати ал-исламийа. – Дамашқ: «Дар ал-Фарабий», 2005.
11. Бутий, Мұхаммад Сайд Рамазон. Ас-Салафия: марҳала замания мубарака, ла мазҳаб исламий. – Дамашқ: «Дарул фикр», 1990.
12. Джихадисты пользуются услугами американских провайдеров // <http://www.newsland.ru/News/Detail/id/98772/cat/42/>

13. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга – юз жавоб). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
14. Зиёдов Ш. Абу Мансур Мотуридий ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари. – Тошкент: «Фан», 2010.
15. Карамян С. Исламский фундаментализм: теория и практика. // «Власть», № 4, 2007. С. 82-86.
16. Мелиқүзиев Ж. Ҳалокат тузоги. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 32 б.
17. Оқилов С. Мотуридия таълимотида «имон» масаласи: «мўмин» тушунчасининг талқини // Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли. – Тошкент, 2010.
18. Оқилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридий таълимоти. – Тошкент: «Муҳаррир», 2008.
19. Петухов В.Б. Джихад в контексте информационного вызова исламистских террористов // [http://www.islamrf.ru/  
news/library/islam-world/2511](http://www.islamrf.ru/news/library/islam-world/2511).
20. Солих, Абдулқодир. Ал-ақоид вал-адъян. – Байрут: «Дар ал-маърифа», 2006.
21. Тавассуль – мольба через посредничество в исламе. – Казань: «Иман», 2003.
22. Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш) / Ф.Низомов тарж. – Тошкент: «Шарқ», 2005.
23. Тинчликни асраш – муқаддас бурч. Рисола. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
24. Шермуҳамедов К. Жаҳолат тўри. Рисола. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
25. Ҳидоят ортига яширинган залолаг. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

1387c

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Сохта салафийлик мағкурасининг юзага келиши ва ривожланиш босқичлари.....	5
Сохта салафийликнинг гоявий-ақидавий асослари.....	9
Сохта салафийликнинг диний-экстремистик моҳияти .....	21
Огоҳ ва хушёр бўлайлик! .....	28
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	30

---

Жаҳонгир МЕЛИҚЎЗИЕВ

## ҲАЛОКАТ ТУЗОҒИ

Тўлдирилган, қайта ишиланган нашири

“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2013

Муҳаррир: С.Очилов

Саҳифаловчи: З.Улугбекова

Нашриёт гувоҳнома рақами А1 № 224  
Босмахонага 2013 йил 13 июнда берилди.  
Бичими 84×108 ½ Шартли б.т. 1,68. Нашр т. 1,70.  
Адади 4890 дона. Буюртма № 39.  
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.